



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 25 » avgust

№ 472

Toshkent sh.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини босқичма-босқич бепул овқат билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба-синов тариқасида бошланғич синф (1–4-синфлар) ўқувчиларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат билан таъминлаш тизимини жорий этиш назарда тутилганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 9 февралдаги 67-сон қарорининг 3-банди билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасалари 1–4-синф ўқувчиларини тажриба-синов тарзида 2021/2022 ўқув йили якунига қадар бепул овқатлантириш тизими жорий этилганлиги;

2022 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маҳаллий бюджети параметрларида мазкур ҳудудлардаги бошланғич синф (1–4-синфлар) ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш учун 100 миллиард сўмдан жами 200 миллиард сўм ажратилганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасалари 1–4-синфлари ўқувчиларини тажриба-синов доирасида 2021/2022 ўқув йили якунига қадар бепул овқатлантиришни ташкил этиш учун тегишли маҳаллий бюджетларда назарда тутилган маблағлардан **Халқ таълими вазирлигига 100,6 миллиард сўм** йўналтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини кейтеринг усулида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфлари ўқувчиларини овқатлантирилишига қўйиладиган асосий талаблар;

ўқувчиларни кейтеринг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби;

кейтеринг ташкилоти томонидан тайёр таомларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни ташкил этиш тартиби;

кейтеринг усулида хизмат кўрсатувчи ташкилотларни танловини ташкил этиш ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган таомлар таркиби ва сифати устидан доимий назоратни таъминлаш тартиби.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги:

кейтеринг ташкилотларини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда ушбу қарор талабларига риоя этган ҳолда **очиқлик, шаффофлик ва рақобат тамойиллари** асосида танлаб олиш чораларини кўрсин;

кейтеринг ташкилотларини танлаб олишда туманлардаги умумий ўрта таълим муассасаларининг ҳудудий жойлашувини инобатга олсин;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфлари ўқувчиларини бепул овқатлантиришни ташкил этиш учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва мазкур жараёнда коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Молия вазирлиги ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфлари ўқувчиларини кейтеринг усулида бепул овқатлантириш учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тулади;

умумий ўрта таълим муассасалари 1-4-синфлари ўқувчиларига кейтеринг хизматини кўрсатувчи ташкилотлар томонидан етказиб берилган озиқ-овқатлар ҳисоби, ҳисоботи ҳамда кунлик таомноманинг таркиби Халқ таълими вазирлигининг “kundalik.com” платформаси орқали амалга оширилади;

кейтеринг ташкилоти умумий ўрта таълим муассасаларининг ошхонасидан фойдаланмаган ҳолда ўз имкониятлари доирасида тайёр таомларни ишлаб чиқариш ва умумий ўрта таълим муассасаларига етказиб бериш орқали овқатлантиришни ташкил этади.

5. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларида санитария-гигиена талабларига риоя этилиши юзасидан тасдиқланган жадвал асосида ҳар ойда ўрганишлар ташкил этсин.

6. Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали халқ таълими муассасаларида ўқувчиларни соғлом овқатлантириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсин;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда икки ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганилган ҳолда кейтеринг усулида ўрта таълим муассасалари 1-4-синфлар ўқувчиларини соғлом овқатлантириш таомномасини қайта кўриб чиқсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Б.О. Саидов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев ва Хоразм вилояти ҳоқими Ф.Ў. Эрманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “25” августдаги 472 -сон қарорига
илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини кейтеринг усулида ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги ўринларда – мактаб) 1–4-синфлар ўқувчиларини (кейинги ўринларда – ўқувчилар) кейтеринг усулида соғлом овқатлантириш (кейинги ўринларда – овқатлантириш) тизимини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

буюртмачи – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги;

кейтеринг – ҳудудларда масофавий усулда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш орқали овқатланишни шартнома асосида ташкил этиш, овқатларни тайёрлаш, етказиб бериш ва тайёр пазандачилик маҳсулотларининг чакана савдосини амалга ошириш хизматларини кўрсатиш.

3. Ўқувчиларни овқатлантириш мактабларнинг ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мос шарт-шароитлар яратилган ҳолда ташкил этилади.

4. Буюртмачи ўқувчиларни овқатлантиришни кейтеринг усулида ташкил этишда қуйидагиларга риоя қилиши шарт:

кейтеринг ташкилотини қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлаб олиш;

кейтеринг ташкилоти томонидан амалга ошириладиган ишлар (хизматлар) сифати юқори даражада сақлаб қолинишини талаб қилиш;

хизматларни кейтеринг ташкилотига ўтказишда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва хўжалик фаолияти харажатларини қисқартириш, фаолиятининг асосий бўлмаган турларини ривожлантириш ҳамда кейтеринг ташкилотига ўтказилган хизматларнинг сифатини ошириш.

5. Кейтеринг ташкилоти ходимлари мактабнинг тегишли ҳудудига олдиндан тақдим этилган ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида белгиланган тартибда киради ҳамда мактаб биносида ҳаракатланади.

6. Кейтеринг фаолиятини ташкил этиш мазкур Низомга илова схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ўқувчиларни овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар

7. Ўқувчиларни овқатлантириш кейтеринг ташкилоти томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари асосида амалга оширилади.

8. Ўқувчиларни овқатлантириш Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган наъмунавий мавсумий таомномалар, таом тайёрлаш бўйича технологик карталар асосида ташкил қилинади.

9. Кейтеринг ташкилоти:

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар сифатлилиги;

фойдаланиладиган технологик жиҳозлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги;

ошхона ходимлари томонидан таом тайёрлаш технологияси қоидаларига риоя қилиниши;

ошпазларнинг ҳар беш йилда бир марта малака ошириши;

ошпазларнинг тиббий кўрикдан ўтган ҳолда ишга қўйилиши учун **жавобгар** ҳисобланади.

3-боб. Ўқувчиларни овқатлантиришни ташкил этиш

10. Мактабларда ўқувчилар кейтеринг усулида бир маҳал овқатлантирилади.

11. Кейтеринг ташкилотини танлаб олиш Вазирлик томонидан тасдиқланган техник талабларга кўра Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ харид қилиш тартиб-таомиллари асосида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган танлов (тендер) яқунлари бўйича амалга оширилади.

12. Танлов (тендер) ўтказиш бўйича эълонлар ва қўйиладиган умумий талаблар Вазирлик томонидан буюртмачига тақдим қилинади ҳамда буюртмачи томонидан давлат харидлари электрон тизимининг махсус платформасига ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилади.

13. Танловга буюртмачи томонидан умумий ўрта таълим муассасаларининг географик жойлашувини ва улар ўртасидаги масофани инобатга олган ҳолда алоҳида лотлар жойлаштирилади.

14. Танлов (тендер) якунлари бўйича ғолиб деб топилган кейтеринг ташкилоти билан мактабларда кейтеринг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш хизматини кўрсатиш бўйича шартномалар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси билан жорий ўқув йили учун белгиланган тартибда тузилади.

15. Вазирлик Ўзбекистон Аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар уюшмаси билан биргаликда лозим бўлган тақдирда, соҳага оид мутахассисларни жалб қилган ҳолда кейтеринг ташкилоти фаолияти устидан доимий мониторинг олиб боради.

16. Вазирлик кейтеринг ташкилоти фаолияти устидан доимий мониторинг олиб боради.

17. Кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгорларга нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:

умумий овқатланиш хизмати кўрсатиш бўйича камида уч йиллик тажрибага эга бўлиш;

кейтеринг хизматлари бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларининг мавжудлиги;

танловда (тендерда) иштирок этиш учун ариза берилган кундан камида бир ой олдин тегишли ташкилотлардан солиқ қарздорлиги, тўловлар, бошқа мажбурий тўловлар ва молиявий санкцияларнинг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган бўлиши;

коррупцияга йўл қўймаслиги тўғрисида ариза тақдим этилиши;

танловда (тендерда) иштирок этиш учун Вазирлик томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган техник топшириқ ва танлов ҳужжатлари талабларига мослиги;

соғлом овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларга (муҳандис-технолог, аллерголог, диетолог, гастроэнтеролог, терапевт врач, ошпазлар) эга бўлиши.

4-боб. Кейтеринг ташкилоти томонидан тайёр таомларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни ташкил этиш

18. Кейтеринг ташкилоти таомларни ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган тартибда тасдиқланган таомнома асосида тайёрлайди ва ўқувчиларга **етказиб бериш чораларини кўради.**

19. Кейтеринг ташкилоти тайёр таомларни қадоқланган, бир марта ишлатиладиган қутиларда совиткич мосламаси ўрнатилган махсус автотранспорт воситаларида мактабларга етказилади.

20. Кейтеринг ташкилоти етказиб берилган қадоқланган тайёр таомларни мактаб ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ўқувчиларга тарқатишни ташкил этади.

21. Кейтеринг ташкилоти етказиб берилган мактаб ошхонасида истеъмол қилинган қадоқланган тайёр таомларнинг чиқиндиларини ўз вақтида утилизация қилиш чораларини кўради.

22. Кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган таомлар таркиби ва сифати устидан доимий назоратни таъминлаш мақсадида ҳар бир мактабда 5 нафар (мактаб директори, ҳамшира ва ота-оналар вакиллари) аъзодан иборат таркибда махсус комиссия тузилади.

23. Кейтеринг ташкилоти узоқ ва олис ҳудудлардаги мактабларга қадоқланган тайёр таомларни ўз вақтида, сифати бузилмаган ҳолда етказиб бериш мақсадида ўша ерда жойлашган мактабларнинг бирида тайёр маҳсулотларни сақлашни ташкил этади.

Бунда кейтеринг ташкилоти етказиб берилган қадоқланган тайёр таомлар уларнинг сифатига таъсир қилмаган ҳолда техник воситалар орқали (музлаткич, вакуум мосламалари, овқат учун мосланган контейнерлар) сақланишини таъминлайди.

5-боб. Кейтеринг фаолиятини ташкил этиш

24. Санитария-гигиена меъёрларидан келиб чиқиб, битта ўқувчини бир маҳал озиқ-овқат билан таъминлашнинг ўртача нархи Халқ таълими вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар ўқув йили учун тасдиқланади.

Бунда ўртача нарх санитария-гигиена меъёрларида белгиланган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини тегишли ҳудуддаги маҳсулотларнинг ўртача бозор нархига кўпайтирган ҳолда аниқланади.

25. Кейтеринг хизматларига ҳақ тўлаш миқдори барча харажатларни (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, транспорт хизматлари ҳамда асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ва бошқаларни) ўз ичига олган ҳолда 20 фоизгача миқдорда белгиланади.

26. Ўқув йили давомида янгидан синфлар очилганда (ёки ёпилганда), ўқувчилар сони ўзгарганда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан киритилган ўзгартириш асосида тасдиқланган ўртача бозор нархлари кескин ўзгарганда кейтеринг ташкилоти ва мактаб томонидан шартнома бўйича умумий бошланғич сумманинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда қўшимча шартнома тузилиши мумкин.

27. Ўқувчиларни овқатлантириш ташкил этилганда тайёр таомлар таомномада белгиланган миқдорларда ва санитария-гигиена меъёрларига мос равишда бўлиши шарт.

28. Кейтеринг ташкилоти томонидан соғлом овқатлантиришни ташкил этишда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини, ошхона ходимлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари бажарилишини назорат қилиш Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан амалга оширилади.

29. Таомномада тайёр таомлар вазни, нархи, сарфланган маҳсулотлар тури ва уларнинг миқдорлари кўрсатилади.

30. Кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 15 фоизи миқдорида олдиндан, 85 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб, тақдим қилинган ҳисоб-фактураларга асосан амалга оширилади.

31. Кейтеринг ташкилоти бир ойда тасдиқланган таомномалар нусхалари ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисобот ва ҳисоб-фактура ҳужжатларини кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмасдан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари бухгалтериясига тақдим этади.

6-боб. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

32. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кейтеринг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликларга йўл қўймаслик;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини назорат қилиш;

туман (шаҳар) халқ таълими бўлималари томонидан соғлом овқатланишни ташкил этиш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш, жумладан, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида сўровномалар ўтказиш;

тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мактабларда сифатли ва хавфсиз овқатланишни ташкил этиш юзасидан таклифлар киритиш;

Вазирлик Ўзбекистон Аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар уюшмаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан биргаликда кейтеринг ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати устидан доимий назоратни амалга ошириш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра кейтеринг ташкилотини “инсофли ижрочи” ёки “инсофсиз ижрочи” рўйхатига киритиш.

33. Буюртмачи:

кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган тайёр озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳисоб-фактура ҳужжатлари “kundalik.com” платформасида шаклланган маълумотларга мослигини текшириши;

кўрсатилган кейтеринг хизматлари учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловни амалга ошириши;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тасдиқланган таомнома асосида овқатлантиришни ташкил этиши лозим.

Буюртмачига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

34. Кейтеринг хизматини кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар улар томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ҳужжатлари асосида ушбу ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан “kundalik.com” платформасида шаклланган маълумотларга мослиги текширилган ҳолда амалга оширилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

35. Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиши буюртмачи ва кейтеринг ташкилоти билан тузилган шартнома белгиланган тартибда бекор қилишига асос бўлади.

36. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги
умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом
овқатлантириш тизимини кейтеринг усулида ташкил
этиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Кейтеринг усулида ташкил этиш ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш
СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|---|--|---|
| 1-босқич | Буюртмачи (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги) | Танлов (тендер) ўтказиш бўйича эълонлар ва қўйиладиган талабларни давлат харидлари электрон тизимининг махсус платформасига жойлаштиради. Оммавий ахборот воситаларида эълон беради. | Заруратга кўра |
| 2-босқич | Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси | 1. Танлов (тендер) иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқади ва энг яхшиларини танлаб олади. 2. Танлов (тендер) ғолибини аниқлайди ва баённомани расмийлаштиради. | Янги ўқув йили бошлангунига қадар |
| 3-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси | 1. Танлов (тендер) ғолиби (кейтеринг ташкilotи) билан шартнома тузади. 2. Кейтеринг ташкilotи ходимлари мактабларнинг тегишли ҳудудига олдиндан тақдим этилган ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида белгиланган тартибда киради ва мактаб биносида ҳаракатланади. | Танлов (тендер) ғолиби аниқлангандан сўнг 3 иш куни мобайнида |
| 4-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси | Тегишли кўрсатилган хизматлар ҳисоб- китоби шартнома ойлик суммасининг 15 фоизи миқдоридagi маблағни олдиндан кейтеринг ташкilotининг ҳисобварағига ўтказиб беради. | Ҳар ойнинг 5-кунигача |
| 5-босқич | Кейтеринг ташкilotи | Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун амалда кўрсатилган хизматлар ҳисоб- фактуралар (бажарилган ишлар далолатномалари) ҳамда бошқа асословчи ҳужжатларни туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тақдим этади. | Шартномада белгиланган муддатда |
| 6-босқич | Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими | Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида ҳисоб- фактураларни “kundalik.com” платформасида шакланган маълумотлар билан солиштириб, уларни умумлаштирган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасига тақдим этади. | Ҳар ойнинг 10-кунигача |
| 7-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси | 1. Асословчи ҳужжатлар (ҳисоб-фактуралар, бажарилган ишлар далолатномалари) тақдосланади. 2. Тузилган шартнома шартларига мувофиқ тасдиқланган ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаларига асосан қолган 85 фоиз сумма кейтеринг ташкilotига тўланади. | Тасдиқланган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида |

